

ХИТОЙНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН АҲАМИЯТИ

Ахмедова Заринабону Ифтихор қизи
– *Ўзбекистон Республикаси Банк-молия*
– *академияси тингловчиси*

Аннотация:

Мақолада Хитой Халқ Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтишдаги сиёсий, иқтисодий ва технологик тажрибаси таҳлил қилинган. Қайта тикланувчи энергия манбалари, яшил молия ва саноат модернизацияси бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар мисоллари асосида мамлакатнинг глобал миқёсдаги етакчи ролини кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мазкур тажрибани Ўзбекистон шароитига мослаштириш имкониятлари, жумладан қуёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш, яшил молия бозорини йўлга қўйиш ва “яшил шаҳарлар” концепциясини амалга ошириш каби йўналишлар очиб берилган.

Калит сўзлар:

яшил иқтисодиёт, Хитой тажрибаси, қайта тикланувчи энергия, яшил молия, барқарор ривожланиш, Ўзбекистон.

Матн:

XXI асрнинг асосий глобал чақириқлари қаторида иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги турибди. Шу боис дунёда барқарор ривожланишни таъминлайдиган иқтисодий модел сифатида “яшил иқтисодиёт” концепцияси жадал оммалашмоқда. Хитой Халқ Республикаси бу йўналишда энг катта ютуқларга эришган давлатлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. 1990-йиллардан бошлаб мамлакатда экологик қонунчиликни кучайтириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш сиёсати амалга оширилди. Масалан, 2006–2010 йиллардаги 11-беш йиллик режада энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва CO₂ чиқиндиларини 10 фоизга

қискартириш мақсад қилинган эди (World Bank, 2011). Кейинги йилларда Хитой 2060 йилга қадар карбон нейтралликка эришишни миллий мақсад сифатида белгилади ва 2021–2025 йилларга мўлжалланган 14-беш йиллик режада яшил энергетикага 400 миллиард доллардан ортиқ инвестиция йўналтирди (IEA, 2023).

Хитойда қайта тикланувчи энергия соҳасида улкан ютуқлар қайд этилган. 2023 йилда мамлакатда қуёш энергетикаси қуввати 275 ГВтга етди, бу эса жаҳон миқёсидаги умумий қувватнинг қарийб 40 фоизини ташкил қилади (IRENA, 2023). Шунингдек, Гансу шамол паркининг қуввати 20 ГВтни ташкил қилиб, дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади. Транспорт соҳасида ҳам яшил ислохотлар амалга оширилди. 2024 йилда Хитойдаги электромобиллар сони 18 миллиондан ошди, бу эса глобал электромобиллар бозорининг қарийб ярмини ташкил этади (IEA Global EV Outlook, 2024). Молия соҳасида эса мамлакат дунёдаги энг йирик яшил облигациялар бозорига эга бўлиб, 2022 йилда 110 миллиард долларлик яшил облигациялар чиқарди (Climate Bonds Initiative, 2023).

Хитойнинг бу тажрибаси Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, қайта тикланувчи энергия соҳасида қўшма корхоналар ташкил этиш ва Хитой технологияларини жорий қилиш орқали мамлакатда қуёш ва шамол энергиясини кенгайтириш мумкин. Масалан, Навоий вилоятидаги 100 МВтлик қуёш станцияси тажрибаси шу йўналишда илк қадам сифатида баҳоланиши мумкин. Иккинчидан, яшил молия инструментларини – яшил облигациялар ва миллий яшил фондни йўлга қўйиш орқали хусусий инвестицияларни жалб қилиш имконияти мавжуд. Учинчидан, саноат соҳасида энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва рақобатбардошликни ошириш мумкин. Шунингдек, Самарқанд ва Тошкент каби йирик шаҳарларда “яшил шаҳарлар” концепциясини амалга ошириш экологик барқарорликка хизмат қилади.

Хитойнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, сиёсий ирода, молиявий ресурсларни тўғри йўналтириш ва технологик инновацияларни қўллаш яшил

иқтисодиётнинг муваффақиятли амалга ошиши учун асосий шартлар ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам ушбу механизмларни миллий шароитга мослаштириш орқали барқарор ривожланиш ва карбон нейтраллик мақсадларига эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-16-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ4477-сонли “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 апрелдаги “Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда илмий ёндашувларни кенгайтириш ва бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-108-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 сентябридаги “Яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнини бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 514-сонли қарори
7. Hoshen S., Hasan N., Hossain S., Mamun A.A., Mannan A., Mamun A.A. Green Financing: An Emerging Form of Sustainable Development in Bangladesh // Journal

- of Business and Management (IOSR-JBM). 2017. №12. PP. 24–30.
www.iosrjournals.org DOI: 10.9790/487X-1912072430.
8. Beder, S. (2011), “Environmental economics and ecological economics: the contribution of interdisciplinary to understanding, influence and effectiveness”, *Environmental Conservation*, vol. 38, no. 2, pp. 140-150. SPASH2011.
9. Liton Chandra Voumik. Md Gaffar Hossain Shah. (2014) A green Economy in the Context of Sustainable Development and Poverty Eradication: What are the Implications for Bangladesh? *Journal of Economics and Sustainable Development*. www.iiste.org ISSN 2222-1700 (Paper) ISSN 2222-2855 (Online) Vol.5, No.3, –P. 117-131.
10. Доклад UNEP (2009) Глобальный «зеленый» новый курс : доклад UNEP/ UNEP. – март. –42 с –URL:
http://www.uncclearn.org/sites/www.uncclearn.org/files/inventory/UNEP90_RUS.pdf
11. Кожевникова Т.М., Теракопов С.Г. (2013) «Зеленая экономика» как одно из направлений устойчивого развития”. *Социально-экономические явления и процессы*. № 3 (049),
12. Шадиметов.Ю., Айрапетов Д. (2022) “Зеленая экономика» путь к устойчивому развитию”. *Транспортда ресурстежамкор технологиялар. Халқаро илмий-техникавий анжуман материаллари тўплами*. ТДТУ. – Т.:
13. Похвощев В.А, Лукина А.В. «Зеленая экономика» в социальном развитии России // *МИР (Модернизация. Инновации. Развитие)*. 2014. №1 (январь–март). С. 70–74.
14. Муминов Н.Г., Кадыров А.А. Особенности и факторы развития «зелёных» инвестиций // *Экономика и финансы*, № 2 (162), 2023.– С.42-49. DOI: 10.34920/eIf/vOL_2023_ISSue_2_6
15. Dudin, M.N.; Frolova, E.E.; Protopopova, O.V.; Mamedov, O.; Odintsov, S.V. Study of innovative technologies in the energy industry: nontraditional and renewable

energy sources // Entrepreneurship and Sustainability Issues 2019. 6(4). PP. 1704–1713. [https://doi.org/10.9770/jesi.2019.6.4\(11\)](https://doi.org/10.9770/jesi.2019.6.4(11)).

16. Гассий В.В. Роль государственно-частного партнерства в обеспечении «зеленого» роста региональной экономики // Горизонты экономики. 2015. №5 (24). С. 38–43.